

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Б. ҒОФУРОВ НОМЛИ ХЎЖАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ, И.КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ШАРИПОВ ДЖАМШЕД ХАКИМОВИЧ

**ГАЛЛИЙ, ИНДИЙ ВА ТАЛЛИЙ БИЛАН ЛЕГИРЛАНГАН $Zn_{22}Al$
ҚОТИШМАСИНИНГ АНОД ХОССАСИ ВА ОКСИДЛАНИШИ,
УЛАРНИНГ ХОССАЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИНИ
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймакорлик. Металларга термик
ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси.
Камёб, нодир ва радиоактив элементлар технологияси (қуймачилик ва металларга
ишлов бериш технологияси йўналиши)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии по технических наук(PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor
of philosophy (PhD)**

Шарипов Джамшед Хакимович

Галлий, индий ва таллий билан легирланган Zn22Al қотишмасининг анод хоссаси ва оксидланиши, уларнинг хоссаларининг ўзгаришини моделлаштириш.....3

Шарипов Джамшед Хакимович

Анодное поведение и окисление сплава Zn22Al, легированного галлием, индием и таллием, моделирование изменения их свойств.....23

Sharipov Djamshed Hakimovich

Anodic behavior and oxidation of Zn22Al alloy doped with gallium, indium and thallium, modeling changes in their properties.....42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....46

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Б. ҒОФУРОВ НОМЛИ ХЎЖАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ, И.КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ШАРИПОВ ДЖАМШЕД ХАКИМОВИЧ

**ГАЛЛИЙ, ИНДИЙ ВА ТАЛЛИЙ БИЛАН ЛЕГИРЛАНГАН $Zn_{22}Al$
ҚОТИШМАСИНИНГ АНОД ХОССАСИ ВА ОКСИДЛАНИШИ,
УЛАРНИНГ ХОССАЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИНИ
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймакорлик. Металларга термик
ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси.
Камёб, нодир ва радиоактив элементлар технологияси (қуймачилик ва металларга
ишлов бериш технологияси йўналиши)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссиясида _____ рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Академик Б. Ғофуров номли Хўжанд давлат университети, Тошкент давлат техника университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Обидов Зиедулло Рахматович

кимё фанлари доктори, профессор

Тураходжаев Нодир Джахонгирович

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Дуняшин Николай Сергеевич

техника фанлари доктори, профессор

Худояров Сулейман Рашидович

техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон машинасозлик институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.T.03.04 рақамли илмий кенгаш 2024 йил «30» ноябр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси 2-уй. Тел/факс.: (99871)277-10-32, e-mail: tadqiqotch@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (405 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси 2-уй. Тел/факс.: (99871)277-10-32).

Диссертация автореферати 2024 йил «18» ноябрда тарқатилди.
(2024 йил «18» ноябрдаги 181 рақамли реестр баённомаси).

К.А. Каримов

Илмий даражалар берувчи

илмий кенгаш раиси

техника фанлари доктори, профессор

Ш.Б.Ташбўлатов

Илмий даражалар берувчи

илмий кенгаш котиби техника фанлари бўйича

фалсафа доктори, доцент

Н.С.Дуняшин

Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий

даражалар берувчи илмий семинар раиси,

техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига автореферат)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жахонда металлнинг оксидланиши натижасида ресурс йўқотишларини бартараф этиш учун самарали технологияларни ишлаб чиқишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада бугунги кунда алюминий қотишмаларини печ ичида суюқлантиришда алюминийнинг кислород билан катта мустаҳкам боғлиқлиги сабабли куйиш орқали йўқотишларини камайтириш борасида олиб борилаётган илмий изланишлар долзарб масала бўлиб қолмоқда. Шунинг учун дунёнинг етакчи давлатлари, жумладан АҚШ, Англия, Германия, Канада, Хитой, Россия каби давлатларнинг илмий марказларида машинасозлик деталларини алюминий қотишмаларидан ишлаб чиқишда ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ва бу қотишмаларни коррозиядан ҳимоялаш воситаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳмият касб этмоқда.

МДХ давлатларида, жумладан Россия, Украина ва Қозоғистонда гальфан I, гальфан II, гальвалюм савдо маркалари остидаги рух-алюминий асосидаги саноат қотишмаларини учинчи элементлар билан легирлаш йўли билан уларнинг мустаҳкамлигини ошириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу йўналишда рух-алюминий қотишмаларини камёб металллар - галлий, индий ва таллий билан легирлашда оптимал таркибни аниқлаш, легирлаш режимларининг оптимал параметрларини ишлаб чиқиш, легирланган қотишманинг коррозия бардошлилигини таъминлашда энергиясамарадорликни ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикасида куйиш услуги билан машиналар ва ускуналарнинг деталларини тайёрлаш учун рух-алюминий қотишмаларини қўллаш ҳисобига ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда алюминий ва литий асосидаги қоплама флюслар таркиби яратилган, алюминий-тантал наноструктураларнинг юзасини мустаҳкамлаш технологиялари ишлаб чиқилган, алюминий қотишмаларини олдиндан шихтани қиздириш билан газ печларида эритиш ва кейинчалик суюқликли ваннада эритиш бўйича қўшма технологиялар яратилган.

Мазкур диссертация иши муайян даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 "2022-2026 йилларда янги Ўзбекистонни янада ривожлантириш Стратегияси тўғрисида" Фармони, 2018 йил 27 апрелдаги ПФ-3682 "Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чоралар тўғрисида" Фармони, 2021 йил 24 декабрдаги ПФ-5159 "Қончилик ва металлургия саноатини ривожлантириш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида" Фармони, Тожикистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 ноябрдаги №GR0102TD923 "Тожикистон Республикасининг 2015-2020 йилларда фан ва технологиялар соҳасида Стратегияси тўғрисида"

Фармони ва ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганганлик даражаси. Дунёнинг етакчи олимлари томонидан рух-алюминий қотишмаларини эритиш ва легирлаш соҳасида янги технологияларни яратиш ва мавжуд технологияларни такомиллаштириш, турли қотишмаларни эритишда фойдаланиладиган ажратувчи элементларнинг таркибини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Қуйиш саноатида ҳозирги кунда қуйиш жараёнларини математик моделлаштириш кенг қўлланилмоқда, унинг ёрдамида буюмни тайёрлаш технологиясининг самарадорлигини таҳлил қилиш ва қуймаларнинг синов партияларини тайёрлашга қўшимча харажат қилмасдан уни виртуал кенгликда оптималлаштириш амалга оширилади. Бу қуймаларни ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўриш харажатларини ҳам, ишлаб чиқаришнинг ўзининг харажатларини ҳам камайтириш имконини берувчи қуйиш технологиясини ишлаб чиқишнинг энг амалий ва энг ишончли усулидир. Бунда қуювчи-технологларнинг олдида турган масалаларни ҳал қилиш учун мўлжалланган ўндан ошиқ дастурий маҳсулотлар мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўзининг плюслари ва минусларига эга ва у ёки бу ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжларини турлича даражада қаноатлантириши мумкин.

Машинасозлик деталларини ишлаб чиқаришда рух-алюминий қотишмаларининг оптимал таркибини ишлаб чиқиш, қотишмага галлий, индий ва таллий каби камёб металллар билан ишлов бериш легирлайдиган элементларнинг саноат қотишмасининг хусусиятларига таъсир даражасини тадқиқ қилиш – бу сферадаги муҳим йўналишлар бўлиб ҳисобланади. Шу билан биргаликда қуйиш услуги билан олинган рух-алюминий қотишмаларини легирлаш жараёнида металлнинг ҳароратининг таъсирини аниқлаш, иссиқлик алмашиниш жараёнида энергиясамарадорликни таъминлайдиган технологияни ишлаб чиқиш, легирлаш жараёнида элементларнинг қуйишини камайтирадиган режимларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб турибди.

Рух қопламаларнинг тузларнинг нейтрал эритмаларида пўлатни денгиз, атмосфера ва ерости коррозиясидан ҳимоялашдаги роли жуда улкан. Бироқ рухнинг танқислиги, шунингдек атроф-муҳитнинг ифлосланиши туфайли рухнинг коррозияланиш тезлигининг ортиши Zn-Al қопламаларни алмаштиришга бўлган қизиқишни чақирган. Бундай қопламалардан фойдаланилганда Zn нинг каттагина тежалиши, Al нинг пастроқ зичлиги, шунингдек турли шароитларда уларнинг коррозияга кўпроқ юқори барқарорлиги қайноқ Zn-Al қопламали пўлат листни олишнинг саноат техноогияси ишлаб чиқилишига олиб келган [1-23]. Бу қопламаларни қўллашнинг бошқа соҳаси - сув ва иссиқлик таъминоти тизимларида фойдаланиладиган пўлат қувурларни ҳимоялаш ҳам истиқболли бўлиб

ҳисобланади. Бундан ташқари, у иссиқ сув ва совуқ сув таъминоти шароитларида қувур пўлатини икки томондан самарали анод қоплаш учун хизмат қилиши мумкин. Иссиқ сувнинг таъсири натижасида асосан Zn билан бойитилган фаза етарлича тез коррозияланади, бу вақт ўтиши билан қопламанинг бардошлилиги тўлиқ Al билан бойитилган фазанинг ҳимоялаш хусусиятлари билан белгиланадиган шароитларга олиб келади. Бу фазанинг коррозион бардошлилиги Zn нинг ёки Zn билан бойитилган фазанинг бардошлилигига қараганда бир неча марта юқори. Шу сабабли алюминий миқдорини унинг типлашган “гальфан” қотишмасидаги миқдорига қараганда ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бироқ Zn-Al қотишмаларида Al нинг оптимал миқдори тўғрисидаги масала очиқлигича қолмоқда.

Шундай қилиб, машинасозликда деталлар, буюмлар ва конструкцияларнинг хизмат қилиш муддатини ошириш масалаларини ҳал қилишда қотишмалардан ишланган коррозияга бардошли ҳимоя қопламалари муҳим роль ўйнайди, улардан фойдаланиш пўлат буюмларнинг хизмат қилиш муддатини ошириш имконини беради ва металлнинг коррозиядан йўқолишини камайтиришнинг самарали йўлларида бири бўлиб ҳисобланади. Пўлат конструкциялар, буюмлар ва иншоотларни ҳимоялаш учун анод қопламалардан амалий фойдаланиш қотишмаларнинг структурасининг ўзига хос хусусиятлари, юзанинг ҳолати, қотишманинг ўзининг ҳарорати ва хусусиятларига боғлиқ бўлади. Zn-Al қотишмада (масалан – Zn22Al да) алюминий миқдорини ошириш ва фаза таркиби бўйича ҳолат диаграммасига мувофиқ α -каттик эритмага ўтиш кўпроқ истиқболли бўлиб ҳисобланади. Қотишмада Al миқдорини ошириш унинг коррозион бардошлилигини оширади ва қопламаларнинг қалинлигини камайтириш имконини беради. Бироқ бунда қотишманинг алюминий таркиб топтирувчисининг пассивлашиш хавфи вужудга келади. Шу муносабат билан ушбу қотишмани унга учинчи таркибий қисм сифатида микроқўшимчаларни қўшиш йўли билан фаоллаштириш имконияти кўриб чиқилган. Маълумки, галлий тағгуруҳи металларида қотишмаларнинг коррозион бардошлилигини ошириш учун легирлайдиган юза-фаол қўшимчалар сифатида фойдаланилади. Галлий тағгуруҳи элементларининг шу хусусиятини ҳисобга олиш билан Zn22Al қотишмани легирлайдиган таркибий қисм сифатида галлий, индий ва таллий танланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тожикистон Республикасида академик Б. Ғафуров номли Хўжанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ "Халқ хўжалиги ва саноатнинг турли тармоқларининг эҳтиёжлари учун рух-алюминий қотишмаларини ишлаб чиқиш (2016-2021)" илмий-тадқиқот иши доирасида ва "2018-2023 йилларда Хўжанд давлат университетини стратегик ривожлантириш дастури" Давлат илмий-техник дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади легирлайдиган элементларнинг алюминий-рух қотишмаларининг оксидланишини камайтирувчи технологияси ва таркибини ишлаб чиқиш бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

галлий, индий ва таллий билан легирланган $Zn_{22}Al$ қотишмасининг рН нинг турли қийматларида коррозион-фаол муҳитларда анод тавсифларининг ўзгариш қонуниятларини тадқиқ қилиш;

легирайдиган қўшимчаларнинг қотишмаларнинг микроструктураси ва турли хусусиятларига таъсирини ўрганиш;

тадқиқ қилинаётган қотишмаларнинг қаттиқ ҳолатда юқори ҳароратли оксидланишининг кинетик ва энергетик параметрларининг ўзгариш қонуниятларини тадқиқ қилиш;

кўрсатилган қотишмаларнинг оксидланиш маҳсулотларининг фаза таркибларини аниқлаш ва коррозия жараёни механизмида уларнинг ролини аниқлаш;

эритиш жараёни ва легирлайдиган элементларнинг таркибини оптималлаштириш учун рух-алюминий қотишмаларининг коррозия жараёнларининг математик моделини ишлаб чиқиш;

улардан пўлат буюмлар, конструкциялар ва иншоотларни коррозион емирилишдан ҳимоя қиладиган анод ва протектор қопламалар сифатида фойдаланиш учун сифат критерийлари мажмуаси бўйича учталик қотишмаларнинг таркибини оптималлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида $Zn_{22}Al-Ga$, $Zn_{22}Al-In$ ва $Zn_{22}Al-Tl$ қотишмалар бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини галлий, индий ва таллий билан легирланган $Zn_{22}Al$, қотишмасининг турли шароитларда анод ўзини тутишини ўрганиш, қотишмага легирлайдиган элементлар билан ишлов бериш жараёнини моделлаштириш бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Қотишманинг анод ва кинетик хусусиятларини ўрганишда замонавий тадқиқ қилиш услубларидан ва AIS 2100 серияли SEM сканерлайдиган электрон микроскоп; ПИ-50.1.1 импульсли потенциостат; ERGOLUX АМС металлографик микроскоп; термогравиметрик тарози ва ДРОН-2.0 прибори каби ускуналардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кимёвий элементларнинг рух-алюминий қотишмасининг коррозион бардошлилигига таъсири асосида рух-алюминий қотишмасининг янги таркиби ишлаб чиқилган (Тожикистон Республикаси патенти - № ТЖ 1275);

0.01-0.1 мас.% миқдорида галлий, индий ва таллий қўшимчалари $Zn_{22}Al$ қотишмасининг коррозион-фаол муҳитларда анод барқарорлигини 2-3 мартага ошириши аниқланган;

алюминий коррозияси потенциалининг ўзгаришлари асосида рух-алюминий қотишмаларининг питтинг ҳосил бўлиш ва репассивация динамикасининг графиги ишлаб чиқилган;

галлий билан легирланган қотишмалардан индий билан легирланган қотишмаларга, сўнгра таллий билан легирланган қотишмаларга ўтилганда

қотишмаларнинг коррозияланиш тезлиги муҳитнинг рН га боғлиқ равишда бироз ортиши аниқланган;

рухнинг оксидланишининг муҳитнинг ҳароратига гиперболик боғланиши асосида $Zn_{22}Al-Ga(In,Tl)$ қотишмаларнинг оксидланиш характерининг графиги ишлаб чиқилган;

$Zn_{22}Al$ қотишманинг оксидланишга барқарорлигининг ўзгариши асосида мустаҳкамликнинг легирлайдиган галлий, индий ва таллий қўшимчаларига боғланиши ишлаб чиқилган;

қотишмага галлий билан ишлов беришнинг самарадорлиги асосида қотишмаларнинг оксидланувчанлигини фаоллаштириш энергиясининг схемаси ишлаб чиқилган;

шихтанинг турли ҳароратлари ва геометрик параметрлари учун алюминий-рух қотишмаларининг оксидланиш жараёнининг математик модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

камёб металлнинг турли қўшимчаларини ўз ичига оладиган янги $Zn_{22}Al-Ga$, $Zn_{22}Al-In$ и $Zn_{22}Al-Tl$ учталик қотишмаларнинг намуналари аниқланган ва синтезланган;

$Zn_{22}Al$ қотишмасида галлий, индий ва таллийнинг юқори коррозион бардошлилик билан ажралиб турувчи оптимал концентрациялари аниқланган (0.01÷0.1 мас.% дан);

янги қотишмаларнинг ишлаб чиқилган оптимал таркиблари Тожикистон Республикасининг кичик патенти билан ҳимояланган;

ишлаб чиқилган қотишмалар углеродли пўлат деталлар, буюмлар, конструкциялар ва иншоотларнинг коррозион бардошлилиги ва хизмат қилиш муддатини ошириш учун анод ҳимоя қопламалари ва протекторлар сифатида тавсия қилинади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги конкрет қўйилган масалага таянади. Мураккаб ўқсимметрик қўймаларни ишлаб чиқариш бўйича кўплаб илмий экспериментал ишлар, математик режалаштириш услубининг қўлланилиши, шунингдек эксперимент натижаларига ишлов бериш замонавий ускуналар, услублар, техника ва технологиялардан фойдаланиш билан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, биринчи марта структура, фаза таркиби, коррозион муҳит ва галлий тағуруҳидаги легирлайдиган қўшимча элементларнинг $Zn_{22}Al$ қотишмасининг анод ўзини тутиши ва оксидланишига таъсирини мажмуавий физикавий-кимёвий ва коррозион-электрокимёвий тадқиқ қилиш ўтказилган; коррозияда қотишмаларнинг кинетик ва анод тавсифларининг ўзгариш қонуниятлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, $Zn_{22}Al$ sanoat қотишмасини галлий, индий ва таллий билан легирлаш (0.01÷0.1% дан) унинг технологик ва эксплуатацион хусусиятларининг яхшиланишига олиб келади. $Zn_{22}Al$ қотишманинг таркибига 0.01÷0.1% микдорда учинчи

таркибий қисмни киритиш (Ga, In, Tl) коррозия тезлигини 2-3 мартага пасайтиради, бу ишлаб чиқариш шароитларида деталларнинг хизмат қилиш муддатининг ортишига ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Галлий, индий ва таллий билан легирланган Zn₂₂Al қотишмасининг анод ўзини тутиши ва оксидланиши бўйича олинган натижалар асосида қуйидаги натижалар ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқаришга жорий қилинган (тасдиқланган жорий қилиш далолатномаларининг нусхалари диссертациянинг иловасида келтирилган):

Zn₂₂Al қотишмасининг индийли янги таркиби (патент № TJ 1275) «Коргоҳи мошинасозӣ» ДУК корхонасига жорий қилинган (Тожикистон Республикаси саноат ва янги технологиялар вазирлигининг 15.02.2023 йилдаги № 14-334 маълумотномаси). Жорий қилиш натижасида машинасозлик деталларининг хизмат қилиш муддати 12-14% га ошган;

турли маркали углеродли пўлатлардан ишланган деталларни уларнинг эритмасига ботириш йўли билан ҳимояловчи қотишма қопламаларни қайноқ қоплаш технологияси «Коргоҳи мошинасозӣ» ДУК корхонасига жорий қилинган (Тожикистон Республикаси саноат ва янги технологиялар вазирлигининг 15.02.2023 йилдаги № 14-334 маълумотномаси). Жорий қилиш натижасида пўлат деталларнинг коррозия бардошлилиги 25-27% га ошган;

қотишмаларни коррозиядан ҳимояладиган қопламанинг таркиби «Коргоҳи мошинасозӣ» ДУК корхонасига жорий қилинган (Тожикистон Республикаси саноат ва янги технологиялар вазирлигининг 15.02.2023 йилдаги № 14-334 маълумотномаси). Жорий қилиш натижасида деталлар юзасининг оксидланиш тезлиги 8-10% га камайган;

кўрсатилган коррозияга бардошли ҳимояловчи қотишма қопламалардан келадиган иқтисодий самара ишқаланувчи деталларнинг хизмат қилиш муддатининг ортиши ҳисобига йилига 812 АҚШ долларини ташкил қилади (Тожикистон Республикаси саноат ва янги технологиялар вазирлигининг 15.02.2023 йилдаги № 14-334 маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг тадқиқот натижалари 15 та, шу жумладан 10 та халқаро ва 5 та республика конференциялари ва симпозиумларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 38 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари

ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий жиҳатдан янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Легирланган рух қотишмалари ва улар асосидаги химоя қопламаларининг анод ўзини тутиши ва оксидланишининг ўзига хос хусусиятлари**” деб номланган биринчи бобда дунёнинг бир қатор етакчи олимларининг алюминий қотишмаларининг хусусиятлари соҳасидаги тадқиқотларининг натижалари келтирилган.

Рухни ўз таркибига оладиган қотишмаларда (99.5, 95, 78, 45 мас.% Zn) алюминий ва рух атомлари ўртасида бошқа таркибли қотишмаларга қараганда кўпроқ мустаҳкам боғланиш мавжуд бўлади. Zn-Al тизимда эвтектоид ва эвтектик айланиш бўлиши кўрсатилган (1.1 расм). Рух алюминий билан эритилганда иссиқлик ажралиб чиқади. Доимий кристалл панжараларни аниқлаш қаттиқ эритмада рух (β -фаза) ва алюминийнинг (α -фаза) энг чекка миқдорида амалга оширилган. Ҳарорат ортиши билан Zn нинг Al да эрувчанлигининг ортиши қайд қилинади (%) [24]:

Ҳарорат, °C	77	127	177	227	275	327	340	351.2	340	443
% (масса бўйича)	2.5	6.2	11.5	18.0	31.6	43.5	49	61.3	69.5	70.0
% (ат.)	1.25	2.8	5.5	8.0	15.9	24.0	28.8	38.7	47.9	49.3



1.1 расм. – Zn-Al тизимнинг ҳолат диаграммаси


ZnO-Al₂O₃ тизимнинг қўш оксидларининг кристалл фазалари тўғрисида маълумотлар 1.1 жадвалга умумлаштирилган.

1.1 жадвал – ZnO-Al₂O₃ тизимнинг кристалл фазалари

Бирикма	Зичлик, г/см ³	Кристалларнинг шакли	Nq	Np	2Vo°	Иккиталик синдириш	Оптик белги	Ранг	Кавшарлан	Сўниш
ZnO	5.53 - 5.7	Гексагонал призмалар	2.02	2.00	0	0.016	+	Қизил	120	Тўғри
ZnO·Al ₂ O ₃	4.58	Куб тизим, октаэдрлар	1.80	-	-	-	-	-	(III)	-

Zn-Al-Ga тизим. Zn-Al-Ga нинг учталиқ фаза диаграммаси илгари термодинамик моделлаштириш ёрдамида аниқланган эди. Афтидан, суюқликда энтальпияларнинг аралашини ўзгашдан ташқари бу тизимни ҳеч қандай экспериментал тадқиқ қилишлар ўтказилмаган. Тўртта изоплетик қирқим аниқланган ва диаграмманинг Al га бой бурчагида иккита бошқаси қисман ўрганилган. Бу қирқимларда иккита изобарик учталиқ инвариант реакциялар аниқланган: $23\pm 1^\circ\text{C}$ да эвтектик ва $123\pm 1^\circ\text{C}$ да метатектик. Ga нинг α_{SS} каттик эритмада ретроград аралашувчанлиги мавжуд бўлишининг исботлари топилган, у учталиқ тизимга Al-Zn бинар тизимдан бошлаб Ga нинг 30% атрофида концентрациясигача сингиб киради [26].

Мазкур экспериментал тадқиқот турли ҳароратларда термик таҳлил қилиш услуби, рентген-структуравий таҳлил қилиш услуби ва изоплетик қирқимлар услуби билан ўтказилган. Маълумотлар асосида [26] тўртта асосий изоплетик қирқимлар танланган (1.2 расм): бу изоплетлар бўйича учталиқ инвариант мувозанатларнинг таркиблари ва ҳароратлари аниқланган.



1.2 расм. – Zn-Al-Ga тизимда изоплет қирқимлар

Шунингдек қаттиқ ҳолатда аралашувчанлик майдонлари идентификацияланган. Бундан ташқари, изобарик учталиқ инвариантларнинг чегараларини аниқлаш мақсадида алюминийга бой бурчакда иккита изоплетик қирқим қисман ўрганилган: ZA74-AGa52 ва ZA88-AGa22.

Муаллифларнинг ишларида Zn-Al-Ga учталиқ фаза диаграммасида бешта экспериментал изоплетик қирқимлар келтирилган. Бу қирқимларда иккита изобарик учталиқ инвариант реакциялар аниқланган ва Ga нинг α_{SS} қаттиқ эритмада катта ретроград аралашувчанлиги кузатилган. Иккита изобарик инвариант реакциялар батафсил ўрганилган. Хусусан, инвариант фазаларнинг таркиби кўрсатилган ва Ga нинг α_{SS} учталиқ қаттиқ эритмада эрувчанлиги ўрганилган. Изотермик қирқимлар аниқланган. Натижалар 290°C атрофида учталиқ критик нуқта билан туташган ликвидус соҳасида бирикиш нуқталари мавжуд бўлишини тасдиқлайди. Диаграммада мувозанатларнинг умумий истиқболли кўриниши таклиф қилинган.

Тадқиқотчиларнинг ишларида фаза айланишларининг сарфланадиган анодлар сифатида фойдаланиладиган Al-Ga бинар қотишмалар ва Zn-Al-Ga учталиқ қотишмаларнинг электрохимёвий ўзини тутишига таъсири таъкидланади. Zn-Al-Ga нинг учталиқ фаза диаграммасини тадқиқ қилиш барқарор ва метабарқарор мувозанатларни топиш учун ўтказилган. Бу мувозанатларни билиш хона ҳароратида қотишмаларда галлийга бой суюқ фазанинг мавжуд бўлишини (ёки бўлмаслигини) белгилайдиган термик ишлов беришларни аниқлаш имконини берган. Термодинамик маълумотлар галлий суюқ ҳолатда бўлганини кўрсатганда кўпроқ катта депассивация кузатилган. Бу қотишмалар учун электрохимёвий депассивация ва фаза диаграммаси ўртасидаги боғланиш аниқланган.


Диссертациянинг “Галлий, индий ва таллий билан легирланган Zn₂₂Al қотишмасининг коррозия-фаол муҳитларда ўзини анод тутишини тадқиқ қилиш” деб номланган иккинчи бобида галлий, индий ва

таллий билан легирланган қотишманинг анод ўзини тутишини ўрганиш бўйича тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Металларни қиздириш ва эритиш, қотишмалар ҳосил бўлишида уларнинг ўзаро аралashi, олинган эритмага ишлов бериш, уни қолипларга қуйиш ва кейинчалик кристаллаш, қуйилган тайёрланманинг қотиши ўзида ҳар қандай қотишмаларни синтезлаш технологиясида ўринли бўладиган жараёнларни тақдим қилади. Металл қотишмаларнинг юқори ҳароратларда қаттиқ ҳолатдаги хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек металл эритмаларининг газлар ва шлаклар ва флюслар сифатида фойдаланиладиган турли моддалар билан ўзаро таъсирлашиши тўғрисидаги маълумотлар ҳам зарур бўлади. Эриш ҳарорати кўп жиҳатдан эритмани олиш усулини – энергия тури, қиздириш усули, эритадиган идишнинг материали ва қуйиладиган қолипнинг материаллини олдиндан белгилаб беради.


Камёб металларга (Ga, In, Tl) эга бўлган янги Zn₂₂Al қотишмаларини ишлаб чиқилиши ва синтезланиши ва фундаментал ва металлшунослик бўйича тадқиқотларнинг ривожланишига мос равишда уларнинг турли хусусиятларини яхшиланиши конкрет технологик масалаларни ҳал қилиш билан бир қаторда фан ва техниканинг катта ютуғи бўлиб ҳисобланади.

Бошланғич материаллар сифатида гранулаланган рух (ч.д.а.), А7 алюминий (тех.ч.), металл галлий Гл-0 (х.ч.), таллий Гл-0 (х.ч.) ва индий Ин-0 (х.ч.) дан фойдаланилган, улар 650–750 °С ҳароратлар интервалида СШОЛ печида синтезланган. Уларнинг кимёвий таркиби SEMAIS2100 прибори ёрдамида рентген-спектрал микротаҳлил услуби ёрдамида баҳоланган [59]. Натижалар Zn₂₂Al-Ga(In, Tl) тизимлардаги учталиқ қотишмаларнинг берилган (мақсадли дастур) ва синтезлаш билан олинган (эришилиши лозим бўлган дастур) таркиблари мос эканлигидан гувоҳлик беради. Қотишмаларни таҳлил қилиш натижаларини текшириш аниқлаги ±10⁻³% ни ташкил қилган (2.1, 2.2 расмлар).



	Units	Conc	Error-2sig	Intensity (c/s)	Line	Elt
	wt. %	22.003	0.952	110.04	Ka	Al
	wt. %	77.997	2.048	389.96	Ka	Zn
Total	wt. %	100.000				

kV 20.0
 Take off Angle 25.0°
 Elapsed Livetime 10.0



	Units	Conc	Error-2sig	Intensity (c/s)	Line	Elt
	wt. %	0.010	0.001	8.75	Ka	Ga
	wt. %	22.001	0.536	129.72	Ka	Al
	wt. %	77.989	1.844	292.92	Ka	Zn
Total	wt. %	100.000				


2.1 расм. – Zn₂₂Al қотишмаси (а) ва 0.01 мас.% галлийли қотишманинг (б) таркибий қисмларининг рентген-спектрал чизиқларининг интенсивликлари.

Қотишмаларнинг коррозия-электрохимиявий хусусиятларини тадқиқ қилиш услубияти сифатида бир қатор замонавий тадқиқ қилиш услубиятлари келтирилади. Хусусан, галлий, индий ва таллий билан легирланган Zn₂₂Al қотишмаси намуналари қуйидагича тайёрланган: синтезланган турлича таркибли қотишмалардан (2.1 параграфга қаралсин) қолипларга 8X140 мм ўлчамли ўзаклар қуйилган; бир хил юза майдонини олиш учун намуналарнинг ён қисми коррозияга бардошли лак билан қопланган; ҳар бир намунага олдиндан наждак қоғози билан ишлов берилган ва жилвирланган. Намуналар мойсизлантирилган, спирт билан ювилган ва HCl, NaCl ва NaOH га ботирилган.

Ишчи электроднинг юзасини олдиндан тайёрлаш, таққослаш электроди ва электрохимиявий ячейканинг ёрдамчи электродини танлашга алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, баъзи бир ҳолларда коррозия муҳитининг таъсири материалнинг таркиби ва хусусиятларининг чуқур ўзгаришларига олиб келади. Электрод потенциалларини ўлчаш ва анод ҳимоялашда тадқиқ қилинаётган турлича таркибли қотишмаларнинг ўзини қандай тутишини аниқлаш мақсадида ишчи электроддан фойдаланилган, таққослаш электроди сифатида эса кумушхлорид электрод олинган. Шунингдек ёрдамчи платина электрод ҳам қўлланилган [60-74].

Галлий, индий ва таллий билан легирланган Zn₂₂Al қотишмасининг анод ўзини тутишини потенциостатик тадқиқ қилиш ПИ-50.1.1 потенциостат прибори ёрдамида потенциодинамик режимда (2мВ/с) электролитларнинг турли коррозия муҳитларида ўтказилган: 0.1; 0.01; 0.001н (рН=1; 2; 3) HCl, 0.03; 0.3; 3% (рН=7) NaCl ва 0.001; 0.01; 0.1н (рН=10; 11; 12) NaOH. Тадқиқ қилиш услубияти ишларда батафсил тасвирланган.

Тасвирланган графикада мисол тариқасида нейтрал муҳитда Zn₂₂Al базавий қотишманинг потенциодинамик анод ва катод қутбланиш эгри чизиғини олиш кетма-кетлиги схематик тарзда кўрсатилган (2.3 расм). Олинган қотишмаларнинг ҳар бир намунаси алоҳида эркин коррозиянинг стационар потенциалдан бошлаб ($E_{\text{эркин кор.}}$) питтинг ҳосил бўлиш потенциалигича ($E_{\text{п.х.б}}$) мусбат томонга потенциодинамик қутбланган (2.3 расмдаги I эгри чизик). Сўнгра намуна янгидан тескари томонга қутбланган (2.3 расмдаги II эгри чизик) ва II эгри чизикда кўрсатилган букилиш бўйича репассивация потенциалининг ($E_{\text{р.п.}}$) қиймати топилган. Ҳосил бўлган оксид пленка намуна юзасидан белгиланган қийматгача катод қутблаш билан ($E=1300$ В) чиқариб юборилган (2.3 расмдаги III эгри чизик). Сўнгра намуна яна мусбат томонга қутбланган (2.3 расмдаги IV эгри чизик). Ниҳоят анод потенциометрик эгри чизиклар бўйича тадқиқ қилинаётган қотишмалар намуналарининг коррозия-электрохимиявий ўзини тутишини тавсифлайдиган электрод потенциаллари аниқланган. Коррозия токининг зичлиги электрод потенциалига боғлиқ равишда катод потенциодинамик эгри чизик бўйича аниқланган, бунда Тафелев тўғри чизиғининг эгилиши ҳисобга олинган.



2.3 расм. – 1.0 мас.% галлийни ўз ичига оладиган Zn22Al қотишмасининг 0.03% ли NaCl электролит муҳитида потенциодинамик (2 мВ/с) анод ва катод қутбланиш эгри чизиқлари.

Диссертациянинг “Галлий, индий ва таллий билан легирланган Zn22Al қотишмасининг қаттиқ ҳолатда юқори ҳароратли оксидланишини тадқиқ қилиш” деб номланган учинчи бобида галлий, индий ва таллий билан легирланган Zn22Al қотишмасининг юқори ҳароратли оксидланиши бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган. Металлар ва қотишмаларнинг қаттиқ ҳолатда ҳаво муҳитида юқори ҳароратли оксидланишини тадқиқ қилиш илмий ва амалий қизиқиш уйғотади. Юқори ҳароратли оксидланиш – газ коррозиясининг асоси – ўз навбатида, оксид қатламларининг ўсиш қонунларини белгилайдиган етарлича мураккаб жараён бўлиб ҳисобланади. Оксидлайдиган газ, кислороддан ташқари, олтингугурт ва углеродни ўз таркибига оладиган газлар ва бошқалар бўлиши мумкин. Оксид пленканинг емирилиши ўсиш қонунларини ўзгартириш билан металлар ва қотишмаларнинг юқори ҳароратли оксидланишини тезлаштиради.

Металл қотишмаларнинг газ муҳитлари ёки ҳаводаги кислород билан контакти оқибатида газ коррозияси содир бўлади, бу ерда уларнинг юқори ҳароратларда оксидланиши тўғрисидаги тасаввур ҳимояловчи махсус металл қопламаларни яратиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Халқ хўжалиги, гальванотехника, қурилиш ва ҳоказоларда қўлланиладиган углеродли пўлатдан ишланган буюмлар ва конструкцияларнинг юзасига қопланган

махсус химояловчи қопламалар уларнинг коррозия бардошлилиги ва хизмат қилиш муддатини ошириш имконини беради.

Шундай қилиб, адабий манбаларни таҳлил қилиш шундан гувоҳлик берадики, муаллифлар томонидан бир қатор металллар билан легирланган рух-алюминий қотишмаларининг ($Zn_{55}Al$, Zn_5Al , $Zn_{0.5}Al$) оксидланиши ўрганилган. Хусусан, камёб металлларни ўз ичига оладиган (Ga , In , Tl) эвтектоид ($Zn_{0.5}Al$) ва эвтектик (Zn_5Al) рух-алюминий қотишмаларининг оксидланиши тўғрисида маълумотлар келтирилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, адабиётларни таҳлил қилиш галлий, индий ва таллийнинг турлича миқдорларини ўз ичига оладиган $Zn_{22}Al$ қотишмасининг оксидланиши бўйича маълумотлар йўқлигини кўрсатади.

Қотишмаларнинг оксидланишини ўрганиш учун одатда металлларнинг юқори ҳароратли коррозиясини ўрганишда қўлланиладиган намуналарни узлуксиз тортиш услубидан фойдаланилган. Бу услуб металллар ва қотишмаларнинг кинетик ва энергетик параметрларини аниқлаш имконини беради. Мазкур услубнинг ютуқларига фойдаланиладиган аппаратуранинг нисбатан оддийлиги ва ундан юқори ҳароратларда фойдаланиш имкониятини киритиш мумкин. Галлий, индий ва таллий билан легирланган $Zn_{22}Al$ қотишмаси изотермик шароитларда ($T = 473, 523, 623$ К да) қаттиқ ҳолатда оксидланишга тортилган.

Турлича таркибли қотишмаларнинг синтезланган намуналари уларнинг оксидланишини ўрганиш учун электроэрозия қирқадиган приборда қирқиш билан тайёрланди. Қотишмаларнинг намуналари 8×4 геометрик ўлчамли цилиндрик шаклда тайёрланган. Қотишмаларнинг намуналари силлиқлангандан кейин қирқишда уларнинг юзасида ҳосил бўлган аралашмалар наждак қоғози билан тозаланган. Сўнгра қотишмаларнинг намуналари $NaOH$ (10%) эритмасида мойсизлантирилган, мойсизлантириш жараёнининг давомийлиги 10-15 с ни ташкил қилган. Қотишмаларнинг намуналарининг оғирлиги ўртача 1,25 г ни ташкил қилган, намуналар массасининг ўзгаришини аниқлаш хатолиги эса $\pm 0.5\%$ ни ташкил қилган.

Қотишмалар намуналарининг оксидланишини термогравиметрик тадқиқ қилиш бизга маълум қурилмада ўтказилган. КМ-8 катетометрдан фойдаланиш билан электр печида осилиб турган пружинанинг чўзилишга қаршилиги бўйича қотишмалар намуналарининг оғирлигининг ўзгариши назорат қилинган. Тадқиқ қилиш учун фойдаланилган тигллар 20×25 мм геометрик ўлчамга эга бўлган. Тажрибани бошлашдан олдин тиглни қиздириш жараёни $1000-1200^\circ C$ ҳароратда амалга оширилган ва доимий оғирлик қайд қилингунча назорат қилинган. Сўнгра мис Ka -нурланишдан фойдаланиш билан ДРОН-2.0 дифрактометрда рентген-фазали таҳлил қилишни қўллаш билан оксидланиш маҳсулотларининг фаза таркиб топтирувчилари аниқланган. Биз томонимиздан экспериментал тарзда олинган маълумотларни дифрактограммага тушириш ICDD маълумотлар базасининг картотекасидаги дифракцион маълумотлар билан таққослаш билан бажарилган.

Диссертациянинг “Галлий, индий ва таллий билан легирланган Zn22Al қотишмасининг оксидланишининг математик моделини ишлаб чиқиш” деб номланган тўртинч бобида жараёни математик моделлаштириш натижадари келтирилган. Хусусан, қотишмага галлийни киритиш бўйича экспериментал маълумотлар асосида жараёни математик модели ишлаб чиқилган. Бу маълумотлар асосида қотишмада оксид қўшимчаларининг миқдорий ўзгаришларини математик моделлаштириш масаласи, яъни математик функционал боғланишни аниқлаш йўли билан аналитик нуқтаи-назардан экспериментнинг натижаларини математик баҳолаш масаласи кўриб чиқилади. Экспириментал маълумотларни математик функция бўйича аниқлаш кўп даражали бир қийматли коэффицентларни аниқлаш масаласига эквивалент бўлади.

Галлийни киритиш миқдори ўзгарганда қотишманинг оксидланиш миқдорининг ўзгаришини аниқлаш учун қуйидаги ифодани ёзиш мумкин:

$$\begin{aligned} d_1 = 6\text{нм}, d_2 = 10\text{нм}, d_3 = 14\text{нм}, d_4 = 20\text{нм}, d_5 = 30\text{нм}; \\ \lambda_1 = 0,52, \lambda_2 = 0,48, \lambda_3 = 0,44, \lambda_4 = 0,38, \lambda_5 = 0,34, \left[\frac{\text{см}}{100\text{г}} \right]. \end{aligned} \quad (1)$$

Алгебраик тенгламалар тизими қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\begin{cases} a_1 + 6a_2 + 36a_3 + 216a_4 + 1296a_5 = 0,52 \\ a_1 + 10a_2 + 100a_3 + 1000a_4 + 10000a_5 = 0,48 \\ a_1 + 14a_2 + 196a_3 + 2744a_4 + 38416a_5 = 0,44 \\ a_1 + 20a_2 + 400a_3 + 8000a_4 + 160000a_5 = 0,38 \\ a_1 + 30a_2 + 900a_3 + 27000a_4 + 810000a_5 = 0,34 \end{cases} \quad (2)$$

Бу бир жинсли бўлмаган алгебраик тенгламалар тизимини Гаусс ва Крамер услубидан ва Maple 13 дастурий пакетдан фойдаланиш билан ечиш билан биз қуйидаги ечимларни олдик:
 $a_1 = 0,59312, a_2 = -0,01509, a_3 = 0,00069, a_4 = -0,00004, a_5 = 0$.

Қотишмада ўртача галлий миқдори ўзгарганда қотишмада оксидлар миқдорининг ўзгаришини тавсифлайдиган функция қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\lambda(d) = 0,59312 - 0,01509d + 0,00069d^2 - 0,00004d^3. \quad (3)$$

Бу ифодадан фойдаланиш билан қотишмада оксидлар миқдорини аниқлаш мумкин, бунда аниқлик даражасини кўрсатиш учун Maple 13 дан фойдаланилади.

Хулоса

Диссертация иши бўйича ўтказилган экспериментал тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар чиқарилган:

1. Кимёвий элементларнинг рух-алюминий қотишмасининг коррозион бардошлилигига таъсири асосида рух-алюминий қотишмасининг янги таркиби ишлаб чиқилган (Тожикистон Республикаси патенти - № ТҶ 1275). Бу рух-алюминий қотишмаларидан тайёрланадиган машинасозлик деталларининг коррозион бардошлилигини ошириш учун хизмат қилади.

2. 0.01-0.1 мас.% миқдорида галлий, индий ва таллий қўшимчалари Zn22Al қотишмасининг коррозион-фаол муҳитларда анод барқарорлигини 2-3 мартага ошириши аниқланган. Бу коррозион-фаол муҳитларда қотишманинг анод барқарорлигини ошириш учун хизмат қилади.

3. Аллюминийнинг коррозия потенциалининг ўзгариши асосида рух-аллюминий қотишмаларининг питтинг ҳосил бўлиш ва репассивация динамикаси графиги ишлаб чиқилган. Бу рух-аллюминий қотишмаларининг питтинг ҳосил бўлиши ва репассивациясини аниқлаш учун хизмат қилиши мумкин.

4. Галлий билан легирланган қотишмалардан индий билан легирланган қотишмаларга, сўнгра таллий билан легирланган қотишмаларга ўтилганда қотишмаларнинг коррозияланиш тезлиги муҳитнинг рН га боғлиқ равишда бироз ортиши аниқланган. Бу қотишмаларнинг коррозия тезлигини аниқлаш учун хизмат қилиши мумкин.

5. Рухнинг оксидланишининг муҳитнинг ҳароратига гиперболик боғланиши асосида Zn22Al-Ga(In,Tl) қотишмаларнинг оксидланиш характерининг графиги ишлаб чиқилган. Бу қотишмаларнинг оксидланиш даражасини аниқлаш учун хизмат қилади.

6. Zn22Al қотишмасининг оксидланишга барқарорлигининг ўзгариши асосида мустаҳкамликнинг легирлайдиган галлий, индий ва таллий қўшимчаларига боғланиши ишлаб чиқилган. Бу Zn22Al қотишмасининг оксидланишга барқарорлигини аниқлаш учун хизмат қилиши мумкин.

7. Қотишмага галлий билан ишлов беришнинг самарадорлиги асосида қотишмаларнинг оксидланувчанлигини фаоллаштириш энергиясининг схемаси ишлаб чиқилган. Бу рух-аллюминий асосли қотишмаларнинг оксидланишининг фаоллашиш энергиясини аниқлаш учун хизмат қилади.

8. Шихтанинг турли ҳароратлари ва геометрик параметрлари учун аллюминий-рух қотишмаларининг оксидланиш жараёнининг математик модели ишлаб чиқилган. Моделдан қўшимча тадқиқотлар ўтказмасдан киритиладиган элементларнинг оптимал параметрларини аниқлаш учун фойдаланиш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/30.12.2019.Т.03.04
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ХУДЖАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ИМЕНИ АКАДЕМИКА Б. ГАФУРОВА,
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ И. КАРИМОВА**

ШАРИПОВ ДЖАМШЕД ХАКИМОВИЧ

**АНОДНОЕ ПОВЕДЕНИЕ И ОКИСЛЕНИЕ СПЛАВА Zn₂₂Al,
ЛЕГИРОВАННОГО ГАЛЛИЕМ, ИНДИЕМ И ТАЛЛИЕМ,
МОДЕЛИРОВАНИЕ ИЗМЕНЕНИЯ ИХ СВОЙСТВ**

**05.02.01 –Материаловедение в машиностроении. Литейное производство.
Термическая обработка и обработка металлов давлением. Металлургия чёрных,
цветных и редких металлов. Технология уникальных, редких и радиоактивных
элементов(по направлению литейного производства и технологии обработки
металлов)**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

ТАШКЕНТ – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) технических наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером _____

Диссертация выполнена в им. акад. Б. Гафурова и ТГТУ им. И. Каримова.

Автореферат диссертации доступен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на сайте Ученого совета (www.tdtu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Обидов Зиёдулло Рахматович
доктор химических наук, профессор
Тураходжаев Нодир Джахонгирович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Дуняшин Николай Сергеевич
доктор технических наук, профессор
Худояров Сулейман Рашидович
доктор философии (PhD) по техническим наукам, доцент

Ведущая организация:

Андижанский машиностроительный институт

Защита диссертации состоится «30» ноября 2024 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.03.04 при Ташкентском государственном техническом университете. (Адрес: 100095, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 2. Тел./факс:(99871) 227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрирована за №405) (Адрес: 100095, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 2. Тел./факс: (99871) 227-10-32).

Автореферат диссертации разослан «18» ноября 2024 года.
(протокол рассылки № 181 от 18 ноября 2024 г.).

К.А.Каримов

Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор технических наук, профессор

Ш.Б.Ташбулатов

Учёный секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор философии (PhD) по техническим наукам

Н.С.Дуняшин

Председатель научного семинара, при научном совете
присуждающего научные степени
доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире разработке эффективных технологий, способствующим снижению потерь металлов и их сплавов за счет их окисления уделяется особое значение. На сегодняшний день исследования по изучению окислительных процессов алюминиевых сплавов является актуальной задачей ввиду большого родства этого металла и его сплавов из-за высокой потери при плавке в плавильных агрегатах. Поэтому в промышленных развитых странах, таких как США, Англия, Германия, Канада, Китай, Россия ведутся научно-исследовательские работы по разработке ресурсосберегающих технологий в производстве машиностроительных деталей из алюминиевых сплавов по разработке средств защиты этих сплавов от коррозии.

В странах СНГ, в том числе России, Украине и Казахстане ведутся научно-исследовательские работы по повышению прочности промышленных сплавов под торговыми марками гальфан I, гальфан II, гальвалюм на основе цинко-алюминиевого сплава путем легирования третьими элементами. В этом направлении особое внимание уделяется определению оптимального состава при легировании цинко-алюминиевых сплавов с металлическим галлием, индием и таллием, разработке оптимальных параметров режимов легирования, повышения энергоэффективности при обеспечении коррозионной стойкости легированного сплава.

В Республике Узбекистан и Республике Таджикистан большое внимание уделяется научным исследованиям по разработке ресурсосберегающих технологий за счет применения цинково-алюминиевых сплавов для изготовления деталей машин и инструментов методом литья. В этом направлении были созданы составы покровных флюсов на основании алюминия и лития, разработаны технологии по упрочнению поверхности алюминий-танталовых наноструктур, созданы совместные технологии по выплавке алюминиевых сплавов в газовых печах с предварительным нагревом шихты с последующим оплавлением в жидкой ванне.

Данная диссертационная работа в определённой степени служит решению задач, приведённых в Указе Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года ПФ-60 "О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы", ПП-3682 от 27 апреля 2018 года "О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практической реализации инновационных идей, технологий и проектов", Указе № ПФ-5159 от июня 24 декабря 2021 года "О дополнительных мерах по развитию горнодобывающей и металлургической промышленности, а также в Указе Президента Республики Таджикистан от 5 ноября 2015 года №GR0102TD923 "О стратегии Республики Таджикистан в области науки и технологий на 2015-2020 годы", а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан частью II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение» и Республики Таджикистан «Программа ускоренной индустриализации Республики Таджикистан на 2020-2026 годы».

Степень изученности проблемы. Ведущими учеными мира проводятся ряд исследований по созданию новых технологий в области плавания и легирования цинково-алюминиевых сплавов и совершенствованию существующих технологий, разработке состава разборочных элементов, используемых при плавке различных сплавов.

